

“НАЪМАТАК” ШЕЪРИНИНГ ОНТОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

*Дилрабо Қувватова Ҳабибовна,
БухДУ профессори, ф.ф.д.*

Лирик матн ўзига хос жозиб қудратга эга. Уни ўқиш, таҳлил этиш, сатрлар қатидаги маъноларни излаб топиш асосида мангу асар сифатидаги моҳияти ойдинлашади. Матнни онтологик нуқтаи назардан таҳлил қилишда айна шу жиҳатида эътибор қаратилади. Онтология илми бадиий асар яшовчанлигини таҳлил этиш орқали ижодкорнинг истеъдодини, санъаткорлик даражасини белгилашга ёрдам беради. Абдулла Қодирий романларининг, Чўлпон, Ойбек шеърларининг яшовчанлиги, мангу асар тарзидаги моҳияти айнан шу усулда юзага чиқади. “Танқид ва талқин юксак даражадаги китобхонликдир. Бадиий матнни ўқиш ва унинг замирида ётган адабий маънони англаш учун, – деб ёзади адабиётшунос А.Расулов, – шундай юксак мақомдаги “профессионал китобхонлик” зарурлиги ҳақида ўз вақтида француз маърифатчилари ҳам ёзишганди” (2,11). Ҳақиқатан ҳам бадиий матнни илмий жиҳатдан англашда, тўғри талқин этишда, аввало, унинг яшовчанлигини белгиловчи омилларни белгилаш зарур. Матнга онтологик ёндашув асосида буни амалга ошириш мумкин. Онтология – “яшаш илми”. Шарқ мусулмон адабиётида бундай илм, шубҳасиз, мавжуд бўлган. Бу илм бадиий асар табиатини ҳам муқаддас китобларнинг яшовчанлик моҳиятини қамраб олган. Ю.Борев бадиий асар тўқимасидаги яшовчанлик омили бўлган олти қатламни санайди: “мен” ва “мен”, “мен” ва “сен”, “мен” ва “биз”, “мен” – “биз ҳаммамиз”, “мен” – “ҳамма ёқ”, “мен” – “ўзимиз” барпо этган борлиқ, “мен” – “умум борлиқ” (2.20). Бинобарин, ҳар бир омил ўзининг мазмун-моҳиятига эга. Бадиий матн таҳлил қилинаётганда ана шу мезонларга риоя этилади. Адабий матннинг яшовчанлигини белгилаш нафақат ёзувчи ёки шоирга, балки мунаққидга ҳам боғлиқдир. А.Қодирийнинг “Ўтган кунлар”, Чўлпоннинг “Гўзал”, Ойбекнинг “Наъматак” шеърларини ана эстетик мезонлар асосида талқин этиш асар матнини чуқурроқ англаш имконини беради. Хусусан, “Ўтган кунлар”ни таҳлил қилишда “мен” ва “миллат” га таяниб иш кўрилса, адиб яратган бадиий образларнинг умуминсоний моҳияти ёрқинлашади. Бундай усулларни исталган бадиий асар матнини ўрганишда қўллаш мумкин

“Наъматак” шеъри нафақат Ойбек ижодининг, балки XX аср ўзбек шеъриятининг бетакрор намунасидир. Шу маънода шеърни ҳар гал ўқиганда янги-янги маъно қирралари намоён бўлади. Бинобарин, бу хусусият асарнинг яшовчанлик хусусиятини белгилаб беради. Ойбек шеърлари янгича талқин этган адабиётшунос А.Сабирдинов шоир шеърларига хос мусиқийлик, тасвирийлик, миллий жозоба сингари фазилатларни қатор шеърлар (“Ой нурунинг мавжлари”, “Баҳор келди – кумушранг кимхоб”, “Орқангдан йиғлаб қолдим”) мисолида ёритиб беради. (3,4). “Ойбек шеърларида, – деб ёзади адабиётшунос, – табиат бетакрор ранглари ва оний ҳолатлари билан акс этиб, олам, умр, абадийлик ва инсоннинг шу азалий ҳодисалардаги ўрни

масалаларини ифодалашга хизмат қилади”. “Наъматак” шеърига ҳам айнан шу мезон нуқтаи назаридан ёндашиш сатрлар қатидаги маъноларни топишга ёрдам беради. Шу асосда шоирнинг табиат, аниқроғи, наъматак поэтик образини яратишдаги санъаткорлиги ойдинлашади. Шеър сатрлари бағридаги ботиний маънолар фикримизни тасдиқлайди.

*Нафис чайқалади бир туп наъматак
Юксакда, шамолнинг беланчагида,
Қуёшга кўтариб бир сават оқ гул,
Виқор-ла ўшшайган қоя лабида...*

Шеърнинг дастлабки бандидаёқ Ойбекнинг бадий сўзга эътибор билан қараши ёрқин кўзга ташланади. Бунда “шамол беланчаги”, “бир сават оқ гул”, “ўшшайган қоя” каби бадий топилмалар метафорик мазмунга эга бўлиб, поэтик тимсол – наъматакнинг моҳиятини очишга ёрдам беради. Бинобарин, ўшшайган қоя Ойбек яшаган тузумни ўзида ифода этади. “Ўшшаймоқ” феъли инсонга нисбатан ишлатилиб, ундаги салбий ҳолат ва хусусиятни ифода этади. Бунда шоир “ўшшайиш”ни тоғга кўчиради ва ўзига хос ташхис яратади. Наъматак эса рамзий маънода Ойбекнинг ўзидир. Чунки “мустабид тузум ва ижодкор қисматини Ойбек наъматакда кўрган” (Д.Қуронов). Ҳақиқатан, адабиётшунос ўринли таъкидлаганидай: “Қатағон шароитида ижод қилаётган шоир билан ваҳший қоялар орасида қуёшга оппоқ гул узатганча нафис чайқалаётган наъматак (Ойбек) орасида ўхшашликлар” мавжуд. Бу ўхшашлик кўпроқ бўғиқ муҳитда ижод қилаётган шоирнинг Демак, зоҳирий маънода шамолнинг эсиши беланчакка монанд, наъматакнинг шакли саватга ўхшайди, бўртиб турган қояларнинг туришида ҳам ўшшайишга яқин бир инсоний ҳолат мужассам.

*Пойида йиғлайди кумуш қор юм-юм...
Нафис чайқалади бир туп наъматак.*

Дастлабки сатрдаги поэтик фикр ҳам теран мазмунга эга. Қояда ўсган наъматакнинг “пойида кумуш қорнинг юм-юм йиғлаши” – қорларнинг эриши табиат баҳорининг келганига ишорадир. Шамол ёрдамида муз бўлаклари сувга айланади. Уларнинг йилтираши эса инжуни эсга солади. Демак, “кумуш қорнинг юм-юм йиғлаши”, “шамол инжулари” ана шу асосда ўзига хос бир мантикий занжирни вужудга келтиради. Айни шуларни “тирик сўз” дейиш мумкин. Рамзий маънода “кумуш қорнинг юм юм йиғлаши” яна биқик муҳитдаги ижодкорни кўз олдимизда намоён этади.

*Ваҳший қояларнинг ажиб ижоди:
Юксакда рақс этар бир туп наъматак,
Қуёшга бир сават гул тутиб хурсанд!*

Шеърнинг ҳар бир мисраси “тирик сўз” сифатида яшовчанлик касб этади. “Ваҳший қояларнинг ажиб ижоди” шоирнинг хулосавий фикри, наъматакка нисбатан қўлланган оҳорли ташбеҳдир. Наъматак гуллари ваҳший қояларга ҳусн бағишлайди. Шу билан бирга наъматак озодлик, эрк тимсоли сифатида ваҳший қояларни ҳам писанд қилмай, кўкка бўй чўзмоқда. Шеърнинг тағматнида шоир ифодаламоқчи бўлган асосий мақсад, ният ёрқин кўзга ташланади.

Нозик наъматакнинг ҳаёт учун кураши, тошларни ёриб, ёруғлик сари интилиши, айна пайтда унинг қуёшга бўй чўзиб туриши Ойбекка хос маҳорат билан тасвирланган. Айна шу мисралар ташбеҳ ва ташхис билан зийнатланган. Инсонга хос бўлган хурсандлик хусусияти гуллаган наъматакка кўчирилган. Бунда ҳам ўзига хос уйғунлик, мутаносиблик мавжуд. Шу асосда наъматак поэтик тимсол даражасига кўтарилган. Ю.Борев таъкидлаганидай, “мен” – шоирнинг ўткир нигоҳи, “биз барпо этган борлиқ” эса табиатнинг бир бўлаги бўлган наъматакдир. Наъматакка хос хусусиятларни мантиқий изчилликда бадий ифодалаш орқали мўъжизакор табиат, лирик қаҳрамон руҳиятидаги турли тўлғамлар ифода этилмоқда. Бу “Наъматак” шеърининг “мангу асар” сифатидаги моҳиятини белгилаб беради.

Умуман, поэтик фикрни таъсирчан ифода этишда Ойбек бадий тимсолларни, табиий ташбеҳларни маҳорат билан қўллаганки, улар ўзининг бетакрорлиги, сержилолиги билан шеърхонлар қалбини забт этади. Ҳатто баҳорий ранглар, бадий образ, тавсил ва воситалар, аввало, табиат гўзаллигини ифода этса, рамзий маънода эрка интилаётган ижодкор образини акс эттиради. Бадий матндаги зоҳирий ва ботиний маънолар шеърнинг яшовчанлик хусусиятларини белгилаб беради.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ойбек. Асарлар. 10 жилдлик, 1-жилд. –Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Бадий адабиёт нашриёти, 1968 йил, 243-бет.
2. Расулов А. Ҳозирги ўзбек танқидчилигида таҳлил ва талқин муаммоси.
3. ДДА. –Тошкент, 2005.
4. Сабирдинов А. Ойбек шеърларида тасвирийлик// Тил ва адабиёт таълими, 2000, 1-сон, 32-38-бетлар.
5. Сабирдинов А. Ойбек шеърларининг миллий жозибаси// Гулистон, 2002, 1-сон, 28-б.
6. Eshonqulova, S. (2020). “Boburnoma”da ijodkorlar haqida berilgan ma’lumotlarning zamima sifatidagi ahamiyati . *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(84). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/7361
7. Eshonqulova, S. (2020). Nodira ijodida Iso-Masih timsoli. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(85). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/7315
8. Eshonqulova, S. (2020). Nodira she’riyatida Xizr obrazining badiiy talqini. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(85). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/7319
9. Eshonqulova, S. (2020). Nodira ijodida Jamshid obrazi tasviri. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(85). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/7343

10. Eshonqulova, S. (2020). Nodira merosida payg'ambar Muhammad (s.a.v.) siy mosi. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(85). извлечено от [https://science.i-
edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/7317](https://science.i-
edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/7317)
11. Turorova, P. (2020). САЙЁРА ТУЙЧИЕВА ИЖОДИДА АДАБИЙ - ЭСТЕТИК ИДЕАЛ КАТЕГОРИЯСИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 11(1). извлечено от [https://science.i-
edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/1174](https://science.i-
edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/1174)
12. Turorova, P. (2020). Shoira lirikasida Navoiydan ta'sirlanish ohahglari. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 20(1). извлечено от [https://science.i-
edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/1614](https://science.i-
edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/1614)
13. Turorova, P. (2020). PATRIOTISM IN POETICS. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 13(1). извлечено от [https://science.i-
edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/1176](https://science.i-
edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/1176)
14. Turorova, P. (2020). She'riyatda falsafiylik va tasavvufiy g'oya. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 20(1). извлечено от [https://science.i-
edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/1603](https://science.i-
edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/1603)
15. Turorova, P. (2020). "Gulzor qishlogining gulduraklari" qissasida uslubiy o'ziga xoslik. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 19(1). извлечено от [https://science.i-
edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/1627](https://science.i-
edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/1627)
16. Soatova, N. (2020). Badiiy adabiyotda umumiylik va o'ziga xoslik. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(44). извлечено от [https://science.i-
edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5409](https://science.i-
edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5409)
17. Soatova, N. (2020). Nutq odobi masalasiga oid qarashlar ("Qutadg'u bilig" dostoni misolida). *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(45). извлечено от [https://science.i-
edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5419](https://science.i-
edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5419)
18. Soatova, N. (2020). Muazzamxon she'riyati ummoni. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 23(1). извлечено от [https://science.i-
edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/2085](https://science.i-
edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/2085)
19. Soatova, N. (2020). Shuhratning "Oltin zanglamas" romanida efik tasvir an'analari. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(68). извлечено от [https://science.i-
edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/3575](https://science.i-
edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/3575)
20. Soatova, N. (2020). АУАБИЁШГА ЁАДСШКРА УМР. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(63). извлечено от [https://science.i-
edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/3618](https://science.i-
edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/3618)
21. Soatova, N. (2020). Shuhrat ijodida urush mavzusi. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(56). извлечено от [https://science.i-
edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/4631](https://science.i-
edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/4631)
22. Soatova, N. (2020). Olijanoblik va oddiylik. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(82). извлечено от [https://science.i-
edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/7253](https://science.i-
edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/7253)
23. Soatova, N. (2020). Shuhrat hayoti va ijodini o'rganishda ZPT lardan foydalanish. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(82). извлечено от [https://science.i-
edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/7288](https://science.i-
edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/7288)

24. Soatova, N. (2020). “Tohir va Zuhra” dostoni va “O’tkan kunlar” romani qiyosiy aspektda. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(82). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/7289